

???????????? ????? ????????????????????? ????? ?????????????

???? ?????????????????.

Умму Фазл розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бир эмиш ёки икки эмиш, бир сўриш ёки икки сўриш ҳаром қилмайди», дедилар».

Шарҳ: Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари ушбу ҳадисга амал қилиб, «Бир-икки эмиш билан никоҳни ҳаром қиладиган эмиш содир бўлмайди», деганлар.

Аmmo Ҳанафий ва Моликий мазҳаблари уламолари амал қилиш учун бу ҳадисни қабул қилмаганлар. Уларнинг фикрича, бу ҳадис насх қилинган – амалдан қолган ҳадис ҳисобланади. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

«...эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз... (ҳаром қилинди)», деган, «сизларни икки мартадан кўп эмизган оналарингиз» деган эмас. Шу оятга биноан, номи эмиш бўлса, никоҳни ҳаром қилувчи эмиш собит бўлган бўлади.

Ривоятда келишича, одамлар Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳуга «Ибн Зубайр «Бир эмиш ёки икки эмишнинг аҳамияти йўқ», демоқда», дейишганида:

«Аллоҳнинг ҳукми унинг ҳукмидан яхшидир, Аллоҳ таоло «Ва эмизган оналарингиз», деган», деб айтганлар. Ояти каримада келган баён турганда ҳадисда унга хилоф нарса келса, ҳадис насх қилинган бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан